

## ТОГОЛДИ ҲУДУДЛАРДА СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ ХАВФ КАТЕГОРИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ

**Янгиев А.А.**, т.ф.д., профессор,  
**Аджимуратов Д.С.**, PhD, доцент,  
**Панжиев Ш.**, ассистент

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш мухандислари  
институти” Миллий тадқиқот университети

### **АННОТАЦИЯ**

*Уибу мақолада Қашқадарё вилояти Қамаши, Деҳқонобод ва Лангар сел-сув омболарида уларнинг техник ҳоалтини аниқлаши бўйича олиб борилган дала тадқиқотлари натижалари келтирилган. Маълумки иқлим ўзгариши шароитида сел сув омборларига сел оқимининг келиши ошиб бормоқда ва уларни ўтказиб юбориш бўйича муаммолар туғилмаоқда. Юқоридаги сел-сув омборларида сел оқимларининг миқдори, лойқа чўқиндиларнинг келиши таҳлил қилинган. Бундан ташқари сел-сув омборларининг хавф категориялари баҳоланган ҳамда уларнинг хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.*

**Калит сўзлар:** сув омбори, хавф категорияси, сел оқими, сув чиқарииш инишооти, сув ташлаши инишооти, затвор, тўғон, лойқа чўқиндилар.

### **ABSTRACT**

*The article provides an analysis of accidents and their main causes in existing reservoir hydro-systems in the world. Besides, the article presents the diagram for accident causes in reservoirs. Risk category assessment is given for Langar, Kamashi and Dekhanabadlood-reservoirs. According to available data from the Congress on large dams, currently there are no regulations on risk assessment for water reservoir hydro-systems in Uzbekistan. In addition, major security challenges and recommendations are presented to improve the operation of water reservoir hydro-systems.*

**Key words:** safety, risk category assessment, hydropower disasters, hydro junctions, dams, water out, dam overcapacity, technical rejection in hydropower stations, control measure device.

**Кириш.** Сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш частотаси тобора кўпайиб бормоқда. Бундай

табиий ҳодисаларга сел-тошқинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудларида сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгаришлари натижаси таъсирида сел-тошқинлар ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Оқибатда эса ўнлаб дақиқалар ёки бир неча соат ичида қисқа муддатли сел оқимлари кўприкларни, йўлларни, каналларни, далаларни, экин майдонларни ва сув ва селсув омборларидағи ГТИни шикастлантирумокда [1,2,3,4,5,6].

**Усуллар.** Тадқиқотлар дала қузатувлари асосида олиб борилган ва маълумотларга статистик ишлов бериб натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижалари.** Қуйида қузатув олиб борилган Қамаши, Дехқонобод ва Лангар сел-сув омборларида сув ўтказувчи иншоотлари ҳамда сел ташламаларининг техник ҳолатлари, лойқа босиши бўйича маълумотлар келтирилган[7,8,9].

**Қамаши сув омбори.** Қамаши сел-сув омборидан фойдаланиш бўлими тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуидагилар аниқланди:

**Сув чиқариши иншоотининг ҳолати:** Иншоот тагидан сув чиқарувчи (донный), минорали шаклда, сув чиқариш қувурининг ўлчами  $1,5 \times 2,0$  м бўлган темир-бетондан қурилган. Иншоотнинг ҳисобий сув чиқариш қобилияти  $Q=5$   $m^3/s$ , остонасининг белгиси 484,7 (ЎСС). Сув чиқариш иншооти ўлчами  $1,5 \times 2,0$  бўлган ясси затворлар билан таъминланган. Сув чиқариш иншооти дарвозаларининг ишчи ҳолати қониқарли.

**Ҳалокатли сув ташлаши иншоотининг ҳолати:** Ҳалокатли сув ташлаш иншооти сув омбори ҳавзасининг чап томонида жойлашган. Сув ташлаш иншоотининг сув ўтказиш қобилияти  $Q=30$   $m^3/s$  га мўлжалланган. Иншоот таркиби сув кириш қисмida темир-бетон қувур, суний ғадир-будурлик қовурғалари ҳосил қилинган, кўндаланг кесими трапеция шаклидаги тезоқар нови ва сувнинг энергиясини сўндирувчи сув урулма кудуғидан иборат. Иншоотда юқори ва қуий бъефлар сув сатҳининг фарқи 15 м. Иншоотнинг ишчи ҳолати қониқарли.

**Дехқонобод сел-сув омбори.** Дехқонобод сел-сув омборидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуидагилар аниқланди:

**Сув чиқариши иншоотининг ҳолати:** Сув чиқариш иншооти тўғоннинг ПК0+60 да жойлашган ва тагидан (донный) сув чиқарувчи иншоот турида бўлиб, лойқа-чўкиндиларни ювиш ва суғориш учун хизмат қилади (1-расм)



**1-расм – Сув чиқариш иншоотининг ҳолати**

Иншоот остонасининг белгиси 903,0 да. Иншоот иккита ўлчами  $2 \times 2$  м бўлган темир-бетон қувурдан, дарвозалар камераси ва лойқа-чўкиндиларни юувчи темир-бетон галереядан иборат. Сув чиқариш иншоот ўлчами  $1 \times 1$  м бўлган ясси затворлар билан таъминланган. Сув чиқариш иншоотининг лойихада режалаштирилган курилиш ишлари охирига етказилмаган.

**Ҳалокатли сув ташлаш иншоотининг ҳолати:** Ҳалокатли сув ташлаш иншооти тўғоннинг чап томонида ПК0+40 да жойлашган. Сув ташлаш иншоотининг сув ўтказиш қобилияти  $334 \text{ м}^3/\text{s}$ .

Хозирда бетон қопламаларда иншоот учун хавфли бўлмаган кичик ёриклар ва кичик ўприлишлар мавжуд.

**Лангар сел-сув омбори.** Лангар сел-сув омборидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуидагилар аниқланди:

**Сув чиқариши иншоотининг ҳолати:** Сув чиқариш иншоотининг вазифаси сел-сув омборидаги сувни сув чиқариш каналига ташлашдан иборат. Сув чиқариш иншооти тагидан сув чиқарувчи (донный) иншоот тури, иншоотининг сув ўтказувчи қувури шахтали сув ташлама билан бириктирилган.

Хозирда галерея деворларида намланишлар кузатилди. Иншоот ясси ишчи ва таъмирлаш затворлар билан таъминланган. Ҳавза лойқа-чўкиндиларга тўлиб бораётганлиги сабабли сув чиқариш иншоотининг сув қабулқилиш қисми кўмилиб бормоқда.

**Ҳалокатли сув ташлаш иншоотининг ҳолати:** Ҳалокатли сув ташлаш иншооти тўғоннинг чап томонида жойлашган. Иншоот тезоқар новидан иборат, кўндаланг кесими трапеция шаклида, умумий узунлиги 650 м, лойиха бўйича сув ўтказиш қобилияти  $242 \text{ м}^3/\text{s}$  га teng. Иншоот ишчи ҳолатида.



**2-расм – Сув чиқарувчи иншоотнинг галерея деворларидағи намланишлар.**

Лангар сел-сув омборини тұлдириш манбаси Лангарсой дарёси ҳисобланади. Сел-сув омбори ҳавзасини лойқа-чүкіндилар билан тұлиши давом этмокда. Лойқа-чүкіндилар тұпланишига асосан сел-тошқынларнинг жадаллашғанligини асосий сабаб қилиб келтириш мумкин. Айниқса, 2019 йилда Лангар сел-сув омборида оқимнинг максимал даражаси аввалги йилларға нисбатан бир неча баравар қўпайган.

Лангар сел-сув омборидаги барча ГТИнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуидагилар аниқланди:

Лангар сел-сув омборининг сув ташлама иншоотининг сел оқимининг келиши оқибатида шикастланишлари 3-расмда келтирилган.





### **3-расм – Лангар сел-сув омборининг сув ташлама иншоотини сел оқимининг келиши оқибатида шикастланишлари**

Сел-тошқинларнинг келиш ва уни сел-сув омборидан ўтказиб юбориш жараёнида селсув омбори сув чиқариш иншоотининг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Лангар сел-сув омборининг сув чиқариш иншоотидаги носозликлар 4-расмда келтирилган.






#### **4-расм – Лангар сел-сув омборидан сел-тошқинларни ўтказишидан сўнг сув чиқариш иншоотидаги носозликлар**

Сел-тошқинларга асосан жадаллашган ёғингарчиликнинг тасодифий содир бўлиши сабаб бўлмоқда, натижада эса дарёларнинг доимий оқими сел оқими билан қўшилиб тезкор ва қисқа муддатда катта хавфлар содир этмоқда. Республикаизда аксарият катта сел-тошқинлар тоғли ва тоғолди худудларида содир бўлмоқда [17,18,19,20].

Хусусан, Қашқадарё вилоятида йирик сел-тошқини марказлари Қашқадарё, Гузардарё, Танхоздарё, Яккабоғдарё ҳавзалари ва шу билан бирга вилоятнинг тоғли худудларида сойлар ҳисобланди. Шу боисда ушбу дарёлар ҳавзаларида жойлашган сув омборларда сел-тошқинларининг натижасида носозликлар кўп учрамоқда. Яъни, бу дарё ҳавзаларида барпо этилган сув ва селсув омборларининг ҳавзаларида лойқа-чўқиндиларнинг кўп миқдорда тўпланишига сабаб бўлмоқда. Тасодифий келган сел-тошқинларни ўтказиб юбориша сув ташлаш ва сув чиқариш иншоотларида бузилишларни содир этмоқда (5-расм).



#### **5-расм – Қашқадарё дарёси ҳавзасида сув тошқини пайтида максимал сув сарфининг ўзгаришлари**

Хозирги кунда иқлим ўзгариши шароитида кузатилаётган фавқулотда вазиятлар ва сув омборлари иншоотларида ўтказилган натура кузатувлари

маълумотлари асосида сув омборлари ва уларнинг ГТИни хавфсизлик категорияларини баҳолашда сел-тошқинлардан бўладиган хавф-хатарларни инобатга олган ҳолда Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссияси (ICOLD) конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган ГТИни хавфсизлигини баҳолаш усулига ўзгартиришлар киритишни таклиф этамиз [4].

ГТИ ҳавфсизлигини таъминлаш, давлат ижро органлари ва шу мақсадга қаратилган қонунчиликни яратиш орқали эришилиб, ГТИларни эксплуатация қилувчи ҳамда уларнинг мулқдорлари ушбу қонунчиликка амал қилаётганини назорат қилиб борилади[5,6].

Давлат назоратини олиб бориш шакллари турли хил мамлакатларда ҳар хил бўлиб, давлатнинг фуқаро қонунчилигига боғлиқ. Кўпчилик мамлакатларда икки босқичли, бир ёки бир неча марказий органлардан ташкил топган назорат органлари структураси ташкил этилган бўлиб, улар соҳадаги тутган ўрни ва ҳудудий бошқарув органлари (штатлар, провинциялар, вилоятлар ва бошқалар) томонидан белгилаб берилади. Ушбу органларнинг ваколатлари ГТИ ҳавфлилик тоифаси (синфи)га боғлиқ ҳолда қонунчилик томонидан белгилаб қўйилади [7,8,9,10]. ГТИларнинг ҳавфлилиги бўйича қайси тоифага мансублиги белгилари ҳам қонунчилик томонидан аниқланади. Бундай белгиларга одатда қўйидагилар қиради:

- сув димловчи иншоотларнинг баландлиги;
- сув омбори ҳажми;
- ГТИ ҳалокати ҳавфи (жабрланиши мумкин бўлган одамлар сони, моддий ва атроф-муҳитга етказиладиган зарар);
- ГТИнинг чегарадош давлатлар сув таъминотида ёки трансчегаравий дарёларнинг сув режимини бошқаришдаги тутган ўрни.

Мазкур белгилар ГТИнинг идентификациялаш белгилари ҳам бўлиб ҳисобланиб, ГТИ ҳавфсизлиги бўйича қонунларнинг жорий этилишини белгилаб беради. ГТИ ҳавфсизлиги бўйича қонунчилик, унинг барча ҳаётий цикларида, лойиҳаланиши, курилиши ва ҳатто консервациясигача амал қиласи [11,12,13].

Сув омборлари таъсир доирасида кўп аҳоли турар жойлари жойлашган бўлиб, тўғон бузилишидан келган зарар гидротехник иншоотларининг баланс қийматидан бир неча баробар ошибб кетади. Шунинг учун ҳозирги кунда эксплуатация қилиб келинаётган сув омбориларининг ҳавфсизлик категориясини баҳолаш нормалари бўйича амалда қўлланилаётган услубларда қўйидаги омилларни баҳолаш асосида олиб борилади [14,15,16]:

- сув омбори ва тўғон жойлашган худуд хусусиятлари, дарёнинг тошиши ҳамда ушбу худуднинг геологик шароитлари;

- тўғон характеристикалари, унинг лойиҳавий ва жорий ҳолати кўрсатгичлари;
- тўғонларнинг бошқарув ва эксплуатация ва уларнинг ҳавфсизлик учун аҳамияти бўйича кутилаётган стандартлар;
- тўғон ҳалокати туфайли ёки фавқулодда ҳолат сабаб сув ташлашнинг пастда жойлашган худудга таъсири.

Куйидаги жадвалларда Катта тўғонлар ҳалқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) ГТИни ҳавфсизлигини баҳолаш усулини келтириб ўтамиз:

### 1-жадвал

#### **ГТИни ҳавфсизлигини баҳолашнинг таснифланиш омиллари ва баллари**

<b>Таснифланиш (класификация)га асос бўлиб хизмат қилувчи омиллар</b>				
<b>Таснифланиш омиллари</b>				
<b>Ҳажм, (млн.м<sup>3</sup>)</b>	>120	120 – 1	1 – 0,1	<0,1
	(6)	(4)	(2)	(0)
<b>Тўғон баландлиги, (м)</b>	>45	45 – 30	30 – 15	<15
	(6)	(4)	(2)	(0)
<b>Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)</b>	>1000	1000 – 100	100 – 1	-
	(12)	(8)	(4)	(0)
<b>Пастки бъефдаги потенциал зарар</b>	юқори	ўрта	паст	-
	(12)	(8)	(4)	(0)

Сув омбори иншоотлари характеристисидан келиб чиқиб, конгресс тавсияларига мувофиқ аниқланган сув омборлари баллари 2, 3, 4 – жадвалларга кўра қуйидаги қўринишга эга бўлади.

### 2 – жадвал.

#### **Қамаши сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.**

<b>№</b>	<b>Параметрлар</b>	<b>Катталик</b>	<b>Баллар</b>
<b>1</b>	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	25	4
<b>2</b>	Тўғон баландлиги, м.	15	2
<b>3</b>	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
<b>4</b>	Пастки бъефдаги потенциал зарар	Ўрта	8
<b>Жами</b>			<b>26</b>

**3 – жадвал.****Дехқонобод сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.**

№	Параметрлар	Катталик	Баллар
<b>1</b>	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	18.4	4
<b>2</b>	Тўғон баландлиги, м.	36.2	4
<b>3</b>	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
<b>4</b>	Пастки бъефдаги потенциал зарап	Ўрта	8
<b>Жами</b>			<b>28</b>

**4 – жадвал.****Лангар сел-сув омборининг параметрлари ва баллари.**

№	Параметрлар	Катталик	Баллар
<b>1</b>	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	7.35	4
<b>2</b>	Тўғон баландлиги, м.	34	4
<b>3</b>	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
<b>4</b>	Пастки бъефдаги потенциал зарап	Ўрта	8
<b>Жами</b>			<b>28</b>

**5-жадвал****Тўғон тоифасини аниқлаш**

Тўғон тоифасини аниқлаш	
Таснифланиш омиллари йигинидиси	Тўғон тоифаси
(0 – 6)	I
(7 – 18)	II
(19 – 30)	III
(31 – 36)	IV

Қашқадарё вилоятидаги сел-сув омборлари яъни Қамаши, Дехқонобод ва Лангар сел-сув омборлари Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини ҳавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

## Хулоса

Сув омборларининг хавфсизлик категорияларини баҳолаш учун уларга таъсири қилувчи асосий омиллар ва сув омборларининг хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамида фойдаланиб келинаётган Қамаши, Лангар ва Дехқонобод сел-сув омборларида дала кузатувишлари олиб борилди ва уларнинг техник ҳолати ўрганилди. Юқоридаги сел-сув омборларининг хавф категориялари баллик тизимида баҳоланди. Сел-сув омборлари хавфсизлиги Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоатларини хавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Безопасность гидротехнических сооружений в Центральной Азии: проблемы и подходы к их решению. – Алматы, 2011. – 37 с.
2. Н. Рахматов, Х. Хасанов, И. Примбетов “Техническое совершенствование управления трансграничными водными ресурсами бассейна Сырдарьи” Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS) 2(11) 410-419
3. Беллендир Б.Н. и др. Вероятностные методы оценки надежности грунтовых гидротехнических сооружений. // Изд. ОАО «ВНИИГ им Б.Е. Веденева». – СПб: 2003. – Т.1. – 556 с., Т.2. – 524 с.
4. Бюллетең ICOLD 72, 1989.
5. Волосухин В.А. О проблемных вопросах в области безопасности гидротехнических сооружений // Мониторинг: Наука и безопасность. Специальный выпуск. – 2019. – С. 84-97.
6. Волосухин В.А., Волосухин Я.В. Нормативное, правовое и техническое регулирование в области безопасности гидротехнических сооружений // Журнал «Гидротехника». – М., 2010. - № 1. – С. 22-30.
7. “Гидротехника иншоатларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
8. МР Бакиев, Анализ проблем надежной и безопасной эксплуатации грунтовых плотин водохранилищных гидроузлов. Irrigatsiya va Melioratsiya, 3, 14-17
9. Гольдин А.Л., Рассказов Л.Н. Проектирование грунтовых плотин. – М.: АИВ, 2001. – 306 с.
10. MR Bakiyev, N Kaveshnikov, T Tursunov “Gidrotexnika inshootlaridan

foydalanish" Toshkent, 2008

11. Рассказов Л.Н. и др. Гидротехнические сооружения. Часть 1 и 2. Учебник для вузов. – М.: Ассоциация строительных вузов, 2008. – 576 с.
12. K Khasanov, K Babajanov, N Babajanova "Filtration reliability and safety of earth-fill dam" E3S Web of Conferences 264, 03064.
13. Yangiev A.A., Gapparov F.A., Adjimuratov D.S. Filtration process in earth fill dam body and its chemical effect on piezometers. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
14. K Khasanov, M Bakiev Guidelines for determining the area and volume of a water reservoir using geographic information technologies and remote sensing, TIIAME, 2019, 32p
15. Yangiev, A.A., Bakiev, M.R., Muratov, O.A., Choriev, J.M., Djabbarova, S. Service life of hydraulic structure reinforced concrete elements according to protective layer carbonization criteria Journal of Physics: Conference Series 1425(1).
16. Yangiev, A., Omarova, G., Yunusova, F., Adjimuratov, D., Risalieva, A.// The study results of the filtration process in the ground dams body and its chemical effect on piezometers // E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03014
17. Yangiev, A., Adjimuradov, D., Panjiev, S., Karshiev, R. // Results and analysis of field research in flood reservoirs in Kashkadarya region // E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03033
18. Yangiev, A., Gapparov, F., Adjimuratov, D., Panjiev, S. // Safety and risk categories of water reservoir hydrosystems // IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2021, 1030(1), 012111
19. Yangiev, A., Adjimuratov, D., Gapparov, F., Yunusova, F. // The calculation of the rates in the swirling flow for the confuser section // IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 869(4), 042005
20. Choriev, J., Muratov, A., Yangiev, A., Muratov, O., Karshiev, R. // Design method for reinforced concrete structure durability with the use of safety coefficient by service life period //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 883(1), 012024